

**ТУРНАЛАР**

Бир лаҳза ҳавода қоқмангиз қанот,  
Сўзим бордир менинг сизга, турналар!  
Қаторлашиб не диёрдан келурсиз,  
Бир хабар берсангиз бизга, турналар!

Хийла вақтдир ёрнинг фирокиндамен,  
Парвонадек ҳусни чироғиндамен,  
Бир шахло кўзликнинг сўроғиндамен,  
Кўринурми, каранг кўзга, турналар!

Мен севганман шахло кўзнинг сурмасин,  
Бир бадназар келиб зиён бермасин,  
Ҳушёр учинг, лочин беҳос кўрмасин,  
Кўрқаман, сафингиз бузар, турналар.

Нозланиб-нозланиб ёясиз овоз,  
Рухлар тозаланур, бўлур сарфароз,  
Воқифнинг ҳам кўнгли кўп этар парвоз,  
Ҳар вақт сизлар билан кезар, турналар!

## СЕВДИГИМ

Севдигим, лабларинг ёқутга ўхшар,  
Саросар тишларинг дурдонадандир.  
Фунча даҳонингдан<sup>1</sup> чиққан сўзларинг  
Хар бири бир ўзга хизонадандир<sup>2</sup>.

Недандир сўзимга жавоб бермаса,  
Хам жамол яшириб, юз кўрсатмаса,  
Кечалар кўзларим уйку кўрмаса,  
У сиёҳ наргиси мастонадандир.

Мен-ку сени илоҳий нур санаман<sup>3</sup>,  
Хуснинг шуъласида хўп айланаман,  
Оташинда мен мардона ёнаман,  
Бу хосият менга парвонадандир.

Бир нома битганман жон уза-уза,  
Боди сабо, олиб бор у гул юзга,  
Сўраса ёр: «Бу хат кимдандир бизга?»  
Жавоб беринг: «Сизнинг девонадандир!»

Хумор-хумор боқмоқ кўз қоидаси,  
Лоладек қизармоқ юз қоидаси,  
Паришонлик зулфнинг ўз қоидаси,  
На боди сабодан, на шонадандир<sup>4</sup>.

Муштоқдир юзингга кўзи Воқифнинг,  
Йўлингга пояндоз юзи Воқифнинг,  
Сенсан фикри-зикри, сўзи Воқифнинг,  
Ўзга сўз наздида афсонадандир.

*(Миртемир таржималари)*

---

<sup>1</sup> Д а х о н - оғиз.

<sup>2</sup> Хизона - хазина.

<sup>3</sup> С а н а м а н - санайман, ҳисоблайман.

<sup>4</sup> Ш о н а - тарок.

## ҚУРБОНИМАН

Бир фитна феъллининг, юзи холлининг  
Бир ширин тиллининг қурбониман мен.  
Бир қанд мақоллининг, лаб зилоллининг,  
Бир оғзи боллининг қурбониман мен.

Бир сиёх мўйлининг, атр бўйлининг,  
Бир нозик ўйлининг, офтоб рўйлининг<sup>1</sup>,  
Бир жаннат кўйлининг, сарв бўйлининг,  
Бир шамшод гуллининг қурбониман мен.

Бир кўзи шарлининг<sup>2</sup>, ўт назарлининг,  
Зулфи анбарлининг, мушки тарлининг<sup>3</sup>,  
Бир гулзор барлининг, зар камарлининг,  
Ингичка беллининг қурбониман мен.

Бир кўп улфатлининг, муҳаббатлининг,  
Бир марҳаматлининг, шафоатлининг,  
Пари суратлининг, кун талъатлининг,  
Бир ой жамоллининг қурбониман мен.

*(Жуманиёз Жабборов таржимаси)*

---

<sup>1</sup> Р ў й – юз, чеҳра.

<sup>2</sup> Ш а р – бу ерда: ёмон, золим.

<sup>3</sup> Т а р – тоза, покиза.

## ТАЛҚИНИ ЧОРГОҲ

Ёзма тумморингни умр, эй, гул керакмазми сенга?  
Берма кўп хорингга йўл, булбул керакмазми сенга?

Берма ҳар машшота илкига сочинг андишасин,  
Ожиз ўлғай шонаси, кокул керакмазми сенга?

Ғўта<sup>1</sup> ур баҳри таваккул<sup>2</sup> ичра, эй ғаввоси дил,  
Ишқ батни<sup>3</sup> ичра ақли кул<sup>4</sup> керакмазми сенга?

Ковламоқлик ихтиёр этти, дедим мен ялбариб:  
Дарғаҳинг жоруб<sup>5</sup> этарға қўл керакмазми сенга?

Соқиё, қилдур мунодий<sup>6</sup> етти жон лабға якин,  
Ташна ўлсанг, келки, соғар – мул керакмазми сенга?

Вайсий гул қон бағрини ёзди-ю, узди борбон,  
Ёзма тумморингни умр, эй, гул керакмазми сенга?

---

<sup>1</sup> Ғўта – сувга шўнғиш.

<sup>2</sup> Таваккул (Таваккал) – тарикат мақоми. Комил эътиқод ва тўла ишонч билан ўзини Яратганнинг ихтиёрига топшириб, дунё, тирикчилик ва нафс ташвишидан бутунлай фориг бўлиш.

<sup>3</sup> Батн – ич.

<sup>4</sup> Ақли кул – етук, комил ақл. Жаброил алайҳиссалом, нури Муҳаммадий ва Арши азим ҳам тушунилади.

<sup>5</sup> Жоруб – супурги.

<sup>6</sup> Мунодий – хабарчи, жарчи.

## ЧАПАНДОЗИ ГУЛЁР

Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўти, гуфтора,  
Нечукким, мархамат бўлсин неча мендек дилафгора!

Нигоҳинг ташлагил лутф айлабон, эй шўҳи бепарво,  
Йўлунгда интизор ўлғон менингдек ошики зора.

Мени «Лоядхулу»<sup>1</sup> деб махрум этма, боғбон аҳли,  
Азал дехқони<sup>2</sup> бағрим конини сочган шу гулзора.

Харидор ўлдум ул «Нахну қасамно!»<sup>3</sup> да<sup>3</sup> сенга, дилбар,  
Замон аҳлини ҳам деб, солма кўп ҳуснунгни бозора.

Алимда бош ила жон – хориж ўлғум икки оламдин,  
Кўруб қаллошлиғ<sup>4</sup>, кўрсатма зулмингни харидора.

Бағир коним эди саҳрода буткан лолаи рангин,  
Бихамдиллох, не соид<sup>5</sup> кун эди, санчилди дастора.

Хабардор ўл харобот аҳли ичра, соқийи даврон,  
Паёпай тут аёфинг ташналаб ўлғон бу хуммора.

Муяссар бўлмаса гар тоқи абрў саждагоҳингдин,  
Не ҳосил сенга, зоҳид, ташлагил бўйнунгни зуннора.

Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим,  
Ўгурма юзни ондин, солма кўзни ўзга дилдора.

---

<sup>1</sup> Лоядхулу – кирмантлар.

<sup>2</sup> Дехқони азал – 1) тақдир, қисмат; 2) Яратувчи, Оллоҳ.

<sup>3</sup> Нахну қасамно – Қуръони каримнинг «Зухруф» сураси 32-оятидан олинган ибора: «Уларнинг ҳаёти дунёдаги машаати – тирикчиликларини ҳам биз тақсимлаганмиз...»

<sup>4</sup> Қаллош – 1) хийлагар; 2) бузук, беҳаё; 3) ҳеч нарсаси йўқ, бир ерда қарор топмаган.

<sup>5</sup> Соид – бу ерда: бахтли, саодатли.

## УФОРИ САВТИ УШШОҚ<sup>1</sup>

Бир парипайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам,  
Лаъли дилкаш, сўзи хуш дилдора ошиқ бўлмишам.

Мадди<sup>2</sup> оҳим кўкдадур, сориг юзумда ашки ол,  
Ул қади раъно, юзи гулнора ошиқ бўлмишам.

Қилма гулқандинг<sup>3</sup> ила заъфим иложин, эй ҳаким,  
Менки гулбарги<sup>4</sup> шакаргуфтора ошиқ бўлмишам.

Нолаву афгон этармен кумрию булбул киби,  
Не учунким, сарви гулрухсора ошиқ бўлмишам.

Лабларингдин то кўрунмуш хуш-хуш инжу тишларинг,  
Лаъл бирла ул дури шахвора<sup>5</sup> ошиқ бўлмишам.

Дўстлар, кўнглум олан зулфи мусулмонкуш<sup>6</sup> эрур,  
Кофиредур, кокили зуннора ошиқ бўлмишам.

Ўзни қутқармоқ учун едим-югурдим ҳар сари,  
Оху вовайлоки<sup>7</sup>, бора-бора ошиқ бўлмишам.

Манзили кўйи алойик<sup>8</sup> бандидин озодмен,  
То тариқи<sup>9</sup> Хожаи Аҳрора ошиқ бўлмишам.

Баски саргардон қуюн янглиғ югурмақдур ишим,  
Ишқ водийсида мен оввора ошиқ бўлмишам.

Вайси(й)дин ҳуш истамоқлик йўқ муносиб, не учун?  
Бир парипайкар суманбар ёра ошиқ бўлмишам.

---

<sup>1</sup> Бу қўшиқ «Талқинчаи мўғулчаи Дуғоҳ» куйи билан ҳам ижро этилади.

<sup>2</sup> М а д д – чўзиқлик, давомлилик.

<sup>3</sup> Г у л қ а н д – кизил гул япроғи билан шакарни аралаштириб, офтобда тайёрланган бир хил ширинлик.

<sup>4</sup> Г у л б а р г – бу ерда: гўзал чехрали маҳбуба.

<sup>5</sup> Д у р р и ш а х в о р – шохона; қимматбаҳо дур.

<sup>6</sup> М у с у л м о н к у ш – мусулмонни ўлдирувчи.

<sup>7</sup> В о в а й л о – эй воҳ, афсус, эй аттанг.

<sup>8</sup> А л о й и қ – боғлиқлик; дунё молига хирсу ҳавас.

<sup>9</sup> Т а р и қ – тарикат; тасаввуфда инсонни камолотга олиб борадиган тўрт босқичнинг иккинчиси. Биринчиси – шарият, учинчиси – маърифат, тўртинчиси – ҳақиқат.

## НАСРИ УШШОҚ<sup>1</sup>

Жон берурмен тегса минг кулфатки жонон йўлида,  
На эмиш кўз абридин тўкмакли борон йўлида.

Махрум этти кўзларим хаттин тамошосидин ул,  
Ул сабабдин кўз ёшимдин унди райҳон йўлида.

Кездим ул сахрову хомун<sup>2</sup>, тоғу тош раҳм айлабон,  
Хасратимдин кон ютуб, ул лаъли маржон йўлида.

Ййди рухсорингни кўрсам, айласам таслим жон,  
Айб эмасдур, расмдур бўлсамки қурбон йўлида.

Боб<sup>3</sup> йўлидин юзумға неча боби бўлди шак,  
Юзланолмай қайсиға бўлдимки, хайрон йўлида.

Бирсидин зоҳир эрур маҳрумлик, эй хушманд,  
Бирсидин воқе эрур бир неча бўхтон йўлида.

Қайсиға юзлансанг, эй Вайсий, сенингдур ихтиёр,  
Токи жон бермай, муяссар йўкту имкон йўлида.

---

<sup>1</sup> Бу қўшиқ «Тарона - I» ва «Тарона - II» куйлари билан ҳам ижро этилади.

<sup>2</sup> Х о м у н - дашт, сахро, чўл.

<sup>3</sup> Б о б - бу мисрада йўл (тариқат йўли) ва эшик маъноларида келаяпти.

## РАЪНОЛАНМАСУН

Оразинг зеб айла то гулзор раъноланмасун,  
Лаълидин сўз айт – дури шахвор раъноланмасун.

Қатраи сув комима куйгил лабинг шаробидин  
То қиёмат бўлгуча хуммор раъноланмасун.

Зарра саргардон этиб, ташла висолингдин шифо,  
Жисмима хажрингаро бемор раъноланмасун.

Ҳар иши ховар<sup>1</sup> элидин ўлса сенсиз йўк эрур,  
Сенга даркор ўлмағай ҳар қор раъноланмасун.

Дилбаро, бошинг учун ғайриға раъно этма сўз,  
Деди раъноланмаса, ночор раъноланмасун.

Таънадин ўлдум букун ишқингға мендин сўнгги эл,  
Вайсийдин бир панддур, иқроор раъноланмасун.



---

<sup>1</sup> Х о в а р – шарқ.



## НОЗУК

Мени расво қилан кимдурки, бир сийминбадан нозук,  
Солон бошимға савдо кимдур, ул гулпирахан нозук.

Хаёли кирса кўнглумга – чиқар дунёву дин меҳри,  
Қилибдур оқибат, эй дўстлар, ҳам беватан нозук.

Чу сабрим тирноғида ҳар куни юз кўхи ғам қоздим,  
Менинг олдимдадур Фарҳод ожиз, Кўҳқан нозук.

Қадинг нозук, қошинг нозук, кўзунг нозук,  
лабинг нозук,  
Тилинг нозук, сўзунг нозук, тишинг – дурри  
Адан<sup>1</sup> нозук.

Хатингдур сабза райҳони, лабингдур кавсар аднони<sup>2</sup>,  
Хадинг – бўстон, юзунг – гул, мисли гулзори  
чаман нозук.

Бошингдин то оёғингга қараб турсам, баринг нозук,  
Хусусан, ғабғабинг остида ул зери зақан<sup>3</sup> нозук.

Ики наргис, ики кўнгул, ики тан, икки жон бирлан  
Бирин-бирига васл айлаб, қилоли анжуман нозук.

Увайсий, ўз-ўзингга сўзлама, тийғил забонингни,  
Мабодо келмасун нозук дилига то гаран<sup>4</sup> нозук.

---

<sup>1</sup> Д у р р и А д а н – Адан дури. Энг аъло сифатли ва кимматбаҳо дур. Адан – Яманнинг жанубида жойлашган шаҳар. У ўзининг олий навли дурлари билан машҳур бўлган.

<sup>2</sup> А д н о – бу ерда: жаннатга тегишли.

<sup>3</sup> З е р и з а қ а н – ияк ости.

<sup>4</sup> Г а р а н – гарон: оғир.

## КЎНГУЛ ДОҒ ЎЛДИ, ДОҒ ЎЛДИ

Замона кулфатидин бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Жароҳат бўлди бағрим тиғи бедоди ракиблардин,  
Бу мардуми нофахмдин<sup>1</sup> кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Бу гулзори фано ичра маҳалли бехалал йўқтур,  
Ҳамиша хорадин захму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Фано мардумларини сирридин ҳеч кимса йўқ огах,  
Қабихғуфтор<sup>2</sup> мардумдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Кўнгул қони бу роҳи дийдадин бир лахза банд ўлмаз,  
Вужудим изтироб айлаб, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Тўлубдур бағрим ичра қон мисоли ғунча, найлармен,  
Очилмай гул сифат ушбу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Сўзимдин хотиринг узра гумоне ўзга еткурма –  
Ки, изҳор айламай найлай, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Мени расвои оламдин мабодо эҳтироз<sup>3</sup> этма,  
Тақаллум бирла шод айла, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Кўнгулни оташин бежо қилубдур нутқи гуфтори,  
Қаю боғ андалибидин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Бу сўзни айлади барпо ажаб густоҳлиқ<sup>4</sup> бирла,  
Малоли хотир ўлғойму, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

Ажаб ашъори<sup>5</sup> мавзун боғлади Вайсий ҳасаддинким,  
Умархон<sup>6</sup> зуфунуниким<sup>7</sup>, кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.

---

<sup>1</sup> Н о ф а х м – нодон, ақлсиз.

<sup>2</sup> Қ а б и х г у ф т о р – ёмон сўзларни гапирувчи.

<sup>3</sup> Э х т и р о з – сакланиш, узоклашиш, ўзини четга олиш.

<sup>4</sup> Г у с т о х л и қ – одобсизлик, андишасизлик.

<sup>5</sup> А ш ъ о р – шеърлар.

<sup>6</sup> У м а р х о н – Амирий таҳаллуси билан ижод қилган Қўқон хони Амир Умархон (1787–1822).

<sup>7</sup> З у ф у н у н – фазлу ҳунар соҳиби, оқил, донишманд.

## ТАЛҚИНЧАИ РОК

Аё, дилбари лаъли нобим<sup>1</sup> менинг,  
Тўкулди қадахдин шаробим менинг.

Таним ичра ёқдинг жудолик ўтин –  
Ки, ўртанди бағри каобим менинг.

Қолон интизорингда чун бешумор<sup>2</sup>,  
Оқарди бу чашми пуробим менинг.

Фузундурки кундин-кунга меҳнатим,  
Нағу<sup>3</sup> мунча кўпдур азобим менинг.

Ки сендинми ё тољеимдинмудур,  
Ки мендинму бергил жавобим менинг.

Муяссар эрмиш анда маҳбуб юзи –  
Ки, токай тўла изтиробим менинг.

Таваҳҳум қилинг фарқ ўлардин, улус  
Букун жорий<sup>4</sup> бағри хунобим менинг.



<sup>1</sup> Л а ъ л и н о б – тоза ва тиник лаъл; мажозан: соф ва тиник май.

<sup>2</sup> Б е ш у м о р – сон-саноксиз, ҳад-хисобсиз.

<sup>3</sup> Н а ғ у – нега, нима учун.

<sup>4</sup> Ж о р и й – оқувчи, оқиб турувчи.

## ЁР КЕЛУРМИШ

Ғам ема, кўнгул, раҳм этибон ёр келурмиш,  
Аҳволи дилим билгучи дилдор келурмиш.

Ҳижронида жисмим сихати заъфга мубаддал,  
Лукмони ҳаким ўрнида ғамхор келурмиш.

Кўнглум қуши булбул киби нолали эрди,  
Гулдек очилиб орази гулзор келурмиш...

Шаҳбоз буён ёзди қанотин чу ҳумоюн,  
То сояси бошим уза дастор келурмиш.

Табъимни матоъини касод айлаб эди чарх,  
Ҳақ ҳукми, харидор ила бозор келурмиш.

Вайсий, дема ҳар кимсага сен ҳасрати дилдин,  
Ҳол англагучи соҳиби асрор келурмиш.

## УВАЙСИЙМАН

Мехнату аламларга мубтало Увайсийман,  
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман.

Истадим бу оламини, топмадим вафо ахлин,  
Барчадин юмуб кўзни, муддао Увайсийман.

Уз дилинг тааллуқдин, банд қил Худо сори,  
То дегил кеча-кундуз: «Мосиво Увайсийман!»

Кечалар фиғонимдин тинмади кавокиблар,  
Арз то само узра можаро Увайсийман.

То кўриб хароботни таъна этма, эй зоҳид,  
Бир нафас эмас холи иқтидо Увайсийман.

Факр боргоҳига қўйса гар кадам ҳар ким,  
Бош агар керак бўлса, жонфидо Увайсийман.

Вайсий бериёзат деб сахл тутма, эй ориф,  
Ишқаро ниҳон дарди бедаво Увайсийман.

## ТОКАЙ

Бошима ёғдурурсан, эй фалак, борони рам токай?  
Ёзарсан паст иқболимни, эй лавҳи калам, токай?

Ўзумдинму, фалакдинму ва ё иқболи пастимдин,  
Туну кун дўстдин озору душмандин ситам токай?

Араб тупроғини сур кўзга, сан ул ёна рихлат кил,  
Бу ким кўтоҳ<sup>1</sup> умрингга ғавғои Ажам токай?

Нечунким орзу қилмай, ани йўлида ўлмакни,  
Жароҳатлиғ кўнгулга халқ нуткидан алам токай?

Фалак хонида афғор ўлди ўхшар савм<sup>2</sup> ботинким,  
Висолидин бўлуб маҳрум, ҳижрондин баҳам токай?

Қилибон суратин табдил ул малъун бадбахти,  
Дило, бир пуштипо<sup>3</sup> ур, бўлғуси жисмингга рам токай?

Муҳаббат бўлса санда, Тангри билмас, йўқду ҳеч кори,  
Қилурсан назмдин табъингга то ҳаю ҳашам токай?

Аёғинг остига боқ, чоҳи зулмати қозилмишдур,  
Кўярсан беҳабарча устина ушбу кадам токай?

Қилиб меҳнат, дури мақсуд олиб дарён ишқидин,  
Йитурсанг боз илқингдин, қилур Тангри қарам токай?

Увайсий, қолғон умринг ол юзунгга қиблаи мақсуд,  
Хирад бозорида қилғунгду савдои санам токай?

---

<sup>1</sup> Кўтоҳ (Кўтах) – қалта, қиска.

<sup>2</sup> С а в м – рўза.

<sup>3</sup> П у ш т и п о – тарқ этмоқ.

## БАНДАДУР

Бог ичра сарв тарзи хиромингга<sup>1</sup> бандадур,  
Хуршиди чарх мохи тамомингга<sup>2</sup> бандадур.

Лаълинг такаллумики, фасохатда<sup>3</sup> дур сочар,  
Гул гунчаси румузи каломингга бандадур.

Оллингда шохи гул эгилиб юз ниёз ила,  
Эй навнихоли ноз<sup>4</sup>, саломингга бандадур.

Ишқингни соғари мани саргашта айлади,  
Даври сипехр гардиши жомингга бандадур.

Бошингдин айланиб, сари кўйингдин ўргулай,  
Кўнглум куши кабутари бомингга<sup>5</sup> бандадур.

Васлингни муждаси манга етти фироқ аро,  
Жону кўнгул хужаста<sup>6</sup> паёмингга бандадур.

Ром ўлди кўзларингни разоли<sup>7</sup> жунунима,  
Яъни бу шеру ваҳший ромингга бандадур.

Ҳарчанд Амири мамлакати иззу нозмен<sup>8</sup>,  
Кўнглум каманди ҳалқаи домингга бандадур.

---

<sup>1</sup> Т а р з и х и р о м - махбубанинг нозу карашма билан чиройли юриши.

<sup>2</sup> М о х и т а м о м - гўлин ой; мажозан: гўзал чехра.

<sup>3</sup> Ф а с о х а т - сўз, нутқнинг очиқ ва равшанлиги.

<sup>4</sup> Н а в н и х о л и н о з - мағрур ёш гўзал.

<sup>5</sup> Б о м - том.

<sup>6</sup> Х у ж а с т а - ёқимли, муборак, қутлуғ.

<sup>7</sup> Ф а з о л (Ф а з о л а) - кийик, оху.

<sup>8</sup> И з з у н о з - иззату ифтихор.

## ЯКПАРДА СУВОРА

Надур ҳолим сўрарға келсанг, эй сарви хиромоним,  
Гуландомим, малоҳатлик парирухсора жононим,  
Демассен бир йўли ҳолинг недур, бесабру сомоним,  
Тараххум чоғидур, эй нури дийдам, жисмаро жоним,  
Азизим, қиблагоҳим, хўблик тахтида султоним,  
Дилу жоним сенга қурбону қурбонинг дилу жоним.

Юзунг кўрмакка кўз муштоқу ҳожатманд эрур кўнглум,  
Висолинг орзуси бирла бас хурсанд эрур кўнглум,  
Команди туррайи мушкининг ила банд эрур кўнглум,  
Мусалсал кокулингнинг торига пайванд эрур кўнглум,  
Азизим, қиблагоҳим, хўблик тахтида султоним,  
) Дилу жоним сенга қурбону қурбонинг дилу жоним.

Кўзунг бемориға ноз этма, беморингни ўлтурма,  
) Гирифторинг эрурман, ўз гирифторингни ўлтурма,  
Чекиб тиғи сиёсат, ошиғи зорингни ўлтурма,  
Вафолиғ ёрсен, бедод ила ёрингни ўлтурма,  
Азизим, қиблагоҳим, хўблик тахтида султоним,  
Дилу жоним сенга қурбону қурбонинг дилу жоним.

Ўсондим, эй кўнгул, фарёду оҳи дилхарошингдин,  
Ушок<sup>1</sup> ёшларға расво бўлмишам, эй дийда, ёшингдин,  
Агар бўлса ишорат қатлима, эй ёр, қошингдин,  
Мусалсал сунбулингдек чарх урай юз қатла бошингдин,  
Азизим, қиблагоҳим, хўблик тахтида султоним,  
Дилу жоним сенга қурбону қурбонинг дилу жоним.

Фирокинг ўртади, эй дилбари номехрибоним, кел,  
Бўлуб ороми жону роҳати руҳи равоним, кел,  
Нисори хоки пойинг жавҳари жону жаҳоним, кел,  
Нигорим, нозаниним, маҳрами доғи ниҳоним кел,

---

<sup>1</sup> У ш о к - бу ерда: гўдак, бола.



Азизим, қиблагоҳим, хўблик тахтида султоним,  
Дилу жоним сенга қурбону қурбонинг дилу жоним.

На хушдир комаро васл истасам ширин дудоғингдин,  
Лабингдин лаъл қиммат топти-ю гавҳар қулоғингдин,  
Ниёзу нозаро фарк ўлмади бошу оёғингдин,  
Висолингни тилаб оворалар бўлдим сўроғингдин,  
Азизим, қиблагоҳим, хўблик тахтида султоним,  
Дилу жоним сенга қурбону қурбонинг дилу жоним.

Жафо расмини бунёд айлаган бераҳм ёримсен,  
Ситампарвар, жафожў, сангдил зебо нигоримсен,  
Малоҳат гулшанида сарвқомат гулўзоримсен,  
Шаҳиди ишқинг ўлдим, қотили чобуксуворимсен,  
Азизим, қиблагоҳим, хўблик тахтида султоним,  
Дилу жоним сенга қурбону қурбонинг дилу жоним.

Муҳаббат хайлининг Кайхисрави<sup>1</sup>, соҳиб сариримен<sup>2</sup>,  
Жунун аҳлини шоҳи, ишқ мулкини Амиримен –  
Ки, дашту тоғаро Фарҳоду Мажнун дастгиримен<sup>3</sup>,  
Командинг мубталоси, доми ишқингни асиримен,  
Азизим, қиблагоҳим, хўблик тахтида султоним,  
Дилу жоним сенга қурбону қурбонинг дилу жоним.



<sup>1</sup> К а й х и с р а в – қадимги Эроннинг қаёнийлар сулоласига мансуб шоҳлардан бири.

<sup>2</sup> С а р и р – 1) тахт; 2) улурлик.

<sup>3</sup> Д а с т г и р – ёрдамчи, қўлловчи, йўл кўрсатувчи.

## НАСРИ СЕГОҲ

Шароби ноз то базм ичра рухсорингни ол этмиш,  
Хижолат барги гулни поймолу инфиол этмиш.

Кўгармас бошини сарви сихи бори хижолатдин<sup>1</sup>,  
Хироми ноз то гулшанда ул зебониҳол этмиш.

Бўлуб Мажнун, кийиклар суҳбатини ихтиёр эттим,  
Мени девонани то вола бир ваҳший физол этмиш.

Муанбар хаттининг шарҳин савод этгач қалам янглиғ,  
Муҳаббат печу тоби<sup>2</sup> риштайи жонимни нол этмиш.

Ҳазин кўнглим қуши парвоз этар кўйунг хавосида,  
Ўқунгдин пар чиқориб, ҳар тараф жисмимға бол  
этмиш.

Нетай, гар жоми Жам бирла Сикандар кўзгуси<sup>3</sup> бўлса,  
Бугун дайр ичра, соқий, қисматим синғон сафол  
этмиш.

Фалак ҳар ой ичинда бир ҳилолин ошкор айлар,  
Магар кўнглум киби юз узра қошингни хаёл этмиш.

Дема холим кўруб, бу навҳадин бетоб эрур кўнглунг,  
Муҳаббат дарди они нотавону бемажол этмиш.

Таманнойи сари зулфунг тушуб бошимга ҳайронман,  
Жунун кўйида бу савдо мени ошуфтаҳол этмиш.

---

<sup>1</sup> Б о р и х и ж о л а т – хижолат юки

<sup>2</sup> П е ч у т о б ( Т о б у п е ч ) – эгик, букик, хам.

<sup>3</sup> С и к а н д а р к ў з г у с и ( О й н а с и ) – Александр Македонскийга нисбат бериладиган, гўё киши нимани истаса, ўшани кўрсатадиган кўзгу. Мажозан: ойинаи жаҳоннамо.

Кўнгул тасвир этар юз доли гул наъли алифлардин,  
Гули рухсори узра то санам зулфини дол этмиш.

Ҳазар қилғайсиз, эй ушшоқ, ул бераҳм қотилдин,  
Букун кеш<sup>1</sup> бўркини эгри қўюб, зеби жамол этмиш.

Менинг жоним олурға, эй ажал, қўп чекмагил заҳмат –  
Ки, бир сўз бирла лаъли менга ўлмакни муҳол этмиш.

Вафо ошиққа қил, мағрур бўлма ҳусн давриға,  
Фалакни гардиши қўп сабзайи хатни сақол этмиш.

Амир оламға берса ишқ иршодин тонг эрмаским,  
Муҳаббат пирига хизмат қилиб, касби камол этмиш.



---

<sup>1</sup> К е ш – қундуз, мўйна.

## ҚОШИНГҒА ТЕГУЗМАҒИЛ ҚАЛАМНИ<sup>1</sup>

Қошингға тегузмағил қаламни,  
Бу хат била бузмағил рақамни.

Бутхоналар ичра ҳеч тарсо  
Бир кўрмади сен киби санамни.

Ошиқларингга тарахҳум этгил,  
Кўп айлама жавр ила ситамни.

Нақши қадаминг муяссар ўлса,  
Найлай бу жаҳонда жоми Жамни.

Кўнглум куши тойири<sup>2</sup> хариминг,  
Сайд этма кабутари харамни.

То беватан ўлмасун кўнгуллар,  
Зулфунгдин аюрма печу хамни<sup>3</sup>.

Лаълинг ғамидин кўзум тўкар қон,  
Беҳуда кечурмағил бу дамни.

Йўлунгда ғубори роҳ ўлдум,  
Бошимға етурмадинг қадамни.

Сен ёрдин ўзга кимга дерман  
Кўнглумдаги дард ила аламни.

Бир коса шароби арғувоний  
Помол қилур ҳужуми ғамни.

Иқлими вафо Амиридурсен,  
Эй шах, бу гадоға қил карамни.

---

<sup>1</sup> Бу қўшиқ «Чорзарб» куйи билан ҳам ижро этилади.

<sup>2</sup> Т о й и р – қуш.

<sup>3</sup> П е ч у х а м – эшилиш, буралиш; бу ерда ранжу азоб маъносда келаяпти.

## ТАСАДДУҚ

Жаҳон, жоно, жамолингга тасаддуқ,  
Дилу жон хатту холингга тасаддуқ.

Чаманда сарву шамшоду санубар –  
Эрур мавзун ниҳолингга тасаддуқ.

Лабинг сарчашмаи оби бакодур,  
Хизр хатти зулолингга тасаддуқ.

Тутарман танаро жонни кироми<sup>1</sup>,  
Бўлур бир кун нисорингга тасаддуқ.

Қолиб эрди вужудимдин хаёли,  
Ани қилдим хаёлингга тасаддуқ.

Лабинг хажрида заҳри ғам ютармен,  
Ҳаловат ёди болингга тасаддуқ.

Кўнгул ойинасида жўши<sup>2</sup> хайрат,  
Жамоли бемисолингга тасаддуқ.

Эрурсан хусн мулкани Амири,  
Жаҳон жоҳу жалолингга<sup>3</sup> тасаддуқ.

---

<sup>1</sup> К и р о м – азиз, улур.

<sup>2</sup> Ж ў ш – қайнаш, ғалаён.

<sup>3</sup> Ж о х у ж а л о л – шон-шавкат, улурлик, мартаба.

## ОШИҚМАН

Ошиқману ишк ўтида бағрим кабобдур,  
Бир лаҳза кўрмасам ани, ҳолим харобдур.

Айрилса ёр мандин, ўларман фирокида,  
Жоним ғамида ташнаву қоним шаробдур.

Ишк ўти тушти жонима, ҳаргиз иложи йўк,  
Ҳолимға раҳм айласангизлар, савобдур.

Хаттинг малулиман<sup>1</sup>, лаби лаълинг фирокида  
Ҳар кимға ғам йўлукса, дафъи шаробдур.

Дардимни чорасини қилинг: бекарормен,  
Тонг отқуча ишим кечалар печу тобдур.

Ғар сўрсаларки: «Ўзгани ёр этса, найлагунг?»  
«Мен қон қилурман, ул ўлодур!» Бул жавобдур.

Бағрим эзилди, куйди таним, кетти тоқатим,  
Бечора хаста жонима қандоқ азобдур.

Навмид айласанг мани, эй ёр, васлдин,  
Кўюнгда гарданимда кўрарсан танобдур.

Бехуда эл сўзиға кириб, қовлама мани,  
Бу жонсупор<sup>2</sup> банда эшигингда бобдур.

«Оқилға бир ишорат эрур», қисса мухтасар,  
Фаҳм айлагон кишиға бу сўз бир китобдур.

Нечун қошиға боғламайин кўнглуми, Амир,  
Бу байт хусн дафтаридин интихобдур<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> М а л у л – ғамгин, хафа, ранжиган, озор чеккан.

<sup>2</sup> Ж о н с у п о р – жонини қурбон қилувчи, садақатли.

<sup>3</sup> И н т и х о б – сайлаш, танлаш.

## ХУШ КЕЛДИНГ

Висолингга кўнгул муштоқ эди, эй ёр, хуш келдинг!  
Кўзум нурини равшан айладинг бисёр, хуш келдинг!

Хуморим заъфидин бетоб эдим базм ичра, эй соқий,  
Хиромон шишаю соғар тутиб саршор<sup>1</sup>, хуш келдинг!

Кўнгул боғида ҳар ён доғу оҳим сарв ила гулдур,  
Бу гулшан сайрига, эй сарви гулрухсор, хуш келдинг!

Бу шаклу бу шамойил бирла базми нозаро кирдинг,  
Сихикадларни<sup>2</sup> қилдинг сояи девор, хуш келдинг!

Ҳазин муштоқларга ёр ила фирдавс хаёлидин  
Етурдинг мужда, эй товуси хушрафтор, хуш келдинг!

Камарбанду такаллум зоҳир этти белу оғзингни,  
Нисори мақдамингдур<sup>3</sup> барча йўку бор, хуш келдинг!

Тун окшом ёр келтурди менга ташрифи меҳмонлик,  
«Рақиб арқосидин келди», – дедим ночор, хуш келдинг!

Кеча кулбамга пинҳон келди ул маҳваш, Амир айдим:  
Бу лутфу марҳаматни билмасун ағёр, хуш келдинг!

---

<sup>1</sup> С а р ш о р – тўла, лаболаб.

<sup>2</sup> С и х и к а д – хушқомат, келишган.

<sup>3</sup> М а қ д а м – қадам қўйиш, келиш, ташриф буюриш.